

УДК 378.14

## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИНИНГ СҮНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ АЙРИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ ДИНАМИКАСИ МОНИТОРИНГИ

доц. Б.К.Хасанов, доц. Н.Муқимов, мутахассис Ш.Исламов\*  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, ОЎМКҲТРМ\*

*Мақола Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг сүнгги йиллардаги ўкув жараёнига оид айрим кўрсаткичлари динамикаси мониторинги келтирилган.*

*В статье представлены результаты мониторинга некоторых показателей Ташкентского института текстильной и легкой промышленности.*

*The article presents the results of monitoring of some indicators of the Tashkent institute of textile and light industry.*


Институтга оид статистик кўрсаткичлар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 6 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини ошириш бўйича асосий кўрсаткичларни шакллантириш ҳамда мониторинги юритилиши тўғрисида“ги 363-сонли буйруги асосида хар ўкув йилининг якунлари бўйича ишлаб чиқилган жадваллар асосида олинди.

Институтнинг ўтган ўкув йиллардаги статистик маълумотлари асосида унинг ривожланишини кузатиш, таҳлил қилиш ва излаб топилган ички захиралардан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш натижасида таълим сифатини оширишга оид мақбул ечимларни қабул килиниши мухим аҳамият касб этади.


Қўйида институтнинг сўнгги йиллардаги ўкув жараёнига оид кўрсаткичларининг айримларини умумлаштириб, қиёсий тақкослаш асосида хулосалар чиқаришга ҳаракат килинди.

Олий таълим муассасасининг бакалавриат ва магистратурасида 2011/2012 ўкув йилида 3753, 2012/2013 ўкув йилида 3424, 2013/2014 ўкув йилида 3609, 2014/2015 ўкув йилида 3781 нафар талаба таҳсил олган бўлса, бу кўрсаткичлар 2015/2016 ўкув йилида нисбатан кўпайган ва 3819 нафарни ташкил этган (1-диаграмма) ҳамда хар 10,4 нафар талабага ўртacha бир нафар профессор-ўқитувчи тўғри келган. 1-диаграммадан кўриниб турибдики, 2013 йилдан бошлаб талабалар сони йилдан йилга ортиб борган.

Республикамизнинг барча соҳаларида ёшларнинг тутган ўрни тобора яққол намоён бўлмоқда. Ҳар йили олий таълим муассасалари магистратурасида минглаб ёш мутахассисликлар тайёрланиб, ҳаётга йўлланма олмоқда, уларнинг энг иқтидорлилари таълим муассасасининг ўзида иш билан таъминланиб, профессор-ўқитувчилар таркибида фаолият олиб бормоқдалар.



Бу соҳада институтда ёши 40 гача бўлган профессор-ўқитувчиларнинг салмоғи йилдан йилга ошиб бораётганлиги ҳакидаги маълумотлар 2-диаграммада келтирилган. Ундан кўринадики, 2012 йилда ёш ўқитувчилар сони 103 нафар бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 140 нафарни (ўсиш сурати 26.4%), 2016 йилда эса 152 нафарни (ўсиш сурати 32.2%) ташкил этган, яъни институтда иктидорли ёш кадрларга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам ўрганилаётганлиги ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибининг ўртacha ёшини пасайтириш ишлари муносаби даражада олиб борилаётганлигидан далолат беради. Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган ўкув йилида дарс берган магистр даражали педагоглар сони 156 нафарни ташкил этиб, улар умумий профессор-ўқитувчиларнинг 42.4 фоизини ташкил этган.




Олий таълим муассасаларини шу кунда замонавий компьютерларсиз тасаввур килиб бўлмайди, яъни улар ҳам талабаларнинг, ҳам профессор-ўқитувчиларнинг, ҳам раҳбариятнинг ва ходимларнинг асосий иш қуролига айланганлигини инкор килиб бўлмайди. Бу соҳада институт талабаларининг компьютерлар билан таъминланганлиги ҳам олий таълим муассасалари ичida етакчи ўринлардан бўлиб, 2015-2016 ўкув йилида ҳар 13 талабага бир компьютер тўғри келади.

Компьютер синфларини замонавий компьютерлар, видеопроекторлар билан таъминланишига институтда катта эътибор берилаётганлигини ҳам статистик маълумотлардан кўриш мумкин ҳамда бу соҳадаги ишларга мунтазам алоҳида эътибор каратилмоқда. Жумладан, 2012/2013 ўкув йилида замонавий компьютерлар ва уларнинг эҳтиёт кисмларига сарфланган маблағ 70 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2013/2014 ўкув йилида 126 млн сўмни, 2015/2016 ўкув йилида эса 156 млн сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Институт профессор-ўқитувчиларини инглиз тили, замонавий ахборот коммуникация технологиялари бўйича малакасини оширишларига ҳам катта эътибор каратилмоқда, жумладан 2011-2012 ўкув йилида инглиз тилида дарс ўта оладиган ўқитувчилар сони 70 нафар бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2014/2015 ўкув йилида 114 нафарни ташкил этган, ўкув жараёнинг ахборот коммуникация технологияларини қўллаб дарс бера оладиган профессор-ўқитувчилар сони 2011/2012 ўкув йилида 333 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015/2016 ўкув йилида 368 нафарни ташкил этган.

Институтда илмий-тадқиқот ишларини олиб борилиши ҳолати таҳлил килинганда куйидагилар аниқланди: хорижий давлатлар илмий журналларида чоп қилинаётган маколалар сони йилдан йилга кўпайган (3-диаграмма).



Ўтган ўкув йилида 7 та дарслик, 17 та ўкув кўлланма, 43 та услубий кўлланма, 16 та монография, 131 та олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган журнallарда илмий маколалар чоп этилган; 24 та ихтиро учун патентлар олинган.

Биз юқорида институтнинг сўнгги тўрт-беш йиллик фаолиятига оид айrim кўrsatkichlarnigina taxhil kildik holos, vaholanki, olij va yurta maxsus taъlim vazirligi tasarrufidagi "Статистик тўплам"да ёритilaётgan индикаторлар soni 200 dan ortiqdir. Институтнинг ўкув жараёни, илмий-tadқikot фаолияти, маъnaviy-maъrifiy va sport iшлари, iktisodiёт va buxgalteriya, қурилиш va реконструкция iшlariiga oид kўrsatkichlari bўyicha ilmij-tadқikot iшlari bўyicha shugullanaётgan xodim va professor-ўkituvchilarغا, kattha ilmij xodim izlanuvchilarغا ўzlariga tegishiли индикаторлар dinamikasini taxhil etish hamda bашорат kiliшni taklif etamiz.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўrsatkichlari. "Статистик тўплам", Т. "Taфаккур бўstoni", 2012 й., 212 bet, 2013 й., 182 bet; 2014 й., 202 bet; 2015 й., 212 bet; 2016 й., 210 bet.